

# Пудрат шартномаси № 64318

Урганч тумани

« 06 » декабр 2022 йил

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Оролбўйи минтақаси Ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази** номидан Низом асосида иш курувчи директори **А.М.Сагиров** бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **“Хива гулшан таъмир” МЧЖ** номидан устав асосида иш юритувчи **Хасанов Н.** иккинчи томондан Оролбўйи минтақаси Ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий маркази биносида жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I.Таърифлар:

1.Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

курилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.

Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

Вактинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишлаарни бажариш учун зарур булган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

Беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш – ишларнинг хар бир боскичи ёки турлари кийматини аниқ белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## **II.Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига биноан Оролбўйи минтақаси Ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий маркази биносида жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## **III.Шартнома буйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси(тендер) натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, шу жумладан ККС ни ҳисобга олган ҳолда жорий нархларда **193 200 184 - (Бир юз тўқсон уч миллион икки юз минг бир юз саксон тўрт ) сўм** ни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно :

- курилиш қийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган қуч(форс-мажор)ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортика узгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булганда, санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

## **IV.Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган қундан бошлаб бир ой муддатда

курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;

курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

## **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини такдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

10. Шартнома:

- миллий валюта “Сум”да узаро хисоб-китоб килинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

- кейинчалик ЭАВ га конвертация килган холда миллий валютада “сумда” узаро хисоб-китоб килинганда – шартнома конун хужжатларига мувофик руйхатдан утказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **15 (Ўн беш) календар иш кунни** ташкил этади.

13. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## **VII. Туловлар ва ҳисоб-китоблар**

14. Буюртмачи Пудратчига 3 (уч) иш куни муддатда шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг **30%и** микдорида аванс утказди, бу сумма **57 960 055,20 - (Эллик етти миллион тўққиз юз олтмиш минг эллик беш сўм) 20 тийинни** ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-4 илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати қабул килингандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишлар счет фактурасининг 100% микдорида, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 100 фоизигача доирасида амалга оширилади.

17. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

18. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб уттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

## **VIII. Ишларни бажариш**

19. Буртмачи қурилиш майдонида уз вақилини- техник аудиторни тайинлайди, у Буртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

22. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI- бўлимида қурсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

25. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз хисобидан киритади.

28. Пудратчи геодезия булиш ишларида саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома буйича Буюртмачига беради.

29. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

30. Пудратчи узи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида қурсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга булишини қафолатлайди.

31. Алоҳида маъсулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

33. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор

килинган булса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

35. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш кийматини купайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида курсатилган холлар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

36. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан курсатилган жойга чикариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниси, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

38. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарыда уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## **IX. Ишларни куриклаш**

39. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан кабул килиб олингунга кадар четлари тусилган курилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар,шунингдек материаллар,асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект кабул килиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X .Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор)холатлари**

41. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вақтга чузилса,у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама килидилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

## **XI. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш**

44. Курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга кабул килиб олишнинг белгиланган коидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_\_\_ кун мобайнида кабул килиб олинади.

46. Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул килиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-булимига мувофик Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиклаши керак.

47. Кабул килиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII.Кафолатлар**

48. Пудратчи:

- барча ишлар тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қаида \_\_\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қаид этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни ,жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Давархитекткурулишназорат” органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича ҳужалик судига муружаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш**

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга қиргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадавлига риоя тилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;



- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қуйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга.

54. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига кура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

58. Томонлардан бири шартнома шартларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хужалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қурсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молилаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қурсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.4 фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш буйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.4 фоиз

микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0.5 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназора» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 50 фоизи микдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо будадиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар**

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қелишувлари уз қучини йукотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қелиб қикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб қеладиган ҳар қандай

ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қулланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

73. Шартномани амал қилиш муддати 2022-йил 31-декабр


### **XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:**

<b>Оролбўйи минтақаси Ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий маркази</b>	<b>“Хива гулшан таъмир” МЧЖ</b>
Манзили: Урганч т. Юқорибог к.	Манзили: Хива шаҳар, Кўҳна Хива кўчаси 335 уй
Тел/факс: 62-35-35-313	Тел/факс: 91-570-56-46
х/р: 401421860332177073201054002	х/р: 2020 8000 4050 4933 2001
ИНН: 201970196	ИНН: 306 304 383
ОКОНХ: 91513	ОКЕД: 41202
Банк: Кишлоқ курилиш банк	Банк: АТБ “Микрокредитбанк” Хива филиали
Молия вазирлиги газначилиги	МФО: 00578
х/р: 23402000300100001010	
ИНН: 201122919	
МФО: 00014	
Тошкент ш. Марказий банк Тошкент ш ХККМ	



М.У.

А.М.Сагиров  
(Ф.И.О.)



М.У.

Хасанов Н.  
(Ф.И.О.)

М.У.

Буюртмачи юристи

**АДВОКАТ**  
[Signature]  
(ИМЗО)

Хоразм вилоят Урганч туманида жойлашган Оролбуйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий- амалий тиббиёт маркази худудида жорий таъмирлаш ишларини молиялаштириш

**ЖАДВАЛИ**

**193200184** (минг сум)

2022 йил буйича курилиш киймати

т/р	Ишлар тури ва номи	Ишлар киймати	2022 йил буйича курилиш киймати											
			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
	2	3	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябрь	Ноябрь	Декбрь
1	Оролбуйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази худудида асосий биносида жорий таъмирлаш ишлари	193,2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	58,0
	Жами:	193,2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	135,2
														193,2





Хоразм вилоят Урганч туманида жойлашган Оролбуйи минтакаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий- амалий тиббиёт маркази худудида жорий таъмирлаш ишларини бажариш

ЖАДВАЛИ

193200184 (минг сум)

т/р	Ишлар тури ва номи	Ишлар киймати	2022 йил буйича қурилиш киймати											
			4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
			Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябрь	Ноябрь	Декбрь
1	Оролбуйи минтакаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий- амалий тиббиёт маркази худудида асосий биносида жорий таъмирлаш ишлари	193,2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	58,0
														135,2
2	Жами:	193,2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	193,2

